



“ 18 ” январе 2019у № 1

**“Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини  
ташқил қилиш бўйича услубий низом”ни  
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш услубиятини такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 15 ноябрдаги “Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 11-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 13 ноябрдаги “Товарлар ташқи савдоси статистика ҳисобини ташқил қилиш бўйича услубий низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 12-сон қарори.

3. Мазкур қарор 2019 йил 21 январдан кучга киради.

Раис

Б.Бегалов